RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ: Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилик тарихи исботлаб турибди.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
6 МАЙ
ШАНБА

№ 53 (25.603).

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ҲИНДИСТОН МАТБУОТИ НИГОҲИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БУ МАМЛАКАТ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА КЕНГ ЁРИТИЛДИ

Ҳусусан, ташрифнинг биринчи куни «Ҳинду» газетаси ўз саҳифаларида «Бугун Ўзбекистон Президенти ташриф буюрди» сарлавҳаси остида мақола эълон қилди. Мақола муаллифи Президент И.А. Каримовнинг Ҳиндистонга ташрифини радикал кучларга қарши кураш учун халқаро коалиция тузиш борасидаги дипломатик саъй-ҳаракатларнинг узвий бўғини, деб баҳолайди. Мақолада қайд этилишича, Марказий Осиё республикалари Ўзбекистон ташаббуси билан терроризм ва экстремизмга қарши курашда ўзаро ва бошқа давлатлар билан (Россия, Хитой, Ҳиндистон ва АҚШ) ҳамкорликни кенгайтирмоқдалар ва мустаҳкамламоқдалар.

Мазкур газетанинг 3 май сонида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бугунги кунда «портлаш даражасига» бориб етаётган халқаро терроризмга қарши курашда Ҳиндистоннинг «ҳақиқий иттифоқчи» деб таърифлагани баён этилган.

Минтақавий ва миллий хавфсизликка жиддий таҳдиддан ҳавотирланаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов ва Ҳиндистон Бош вазири Важпай Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги қўшма баёнотни имзоладилар, деб ёзади газета.

Шунингдек, «Ҳинду» газетаси Ўзбекистонга 10 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит бериш тўғрисида икки томон имзолаган шартномага тўхталган. «Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, ўзаро савдо алоқалари даражаси икки мамлакатнинг салоҳиятига жавоб бермайди, — дейилади газетанинг 4 май сонида. — Ўзбекистон ҳинд сармояларини тўқимачилик саноати, заргарлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда ахборот технологияси соҳаларига жалб этилишидан манфаатдор».

Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистон ишбилармон доиралари билан учрашувини баҳолар экан, «Ҳинду бизнес лайн» газетаси Ҳиндистон ва Ўзбекистон икки томонлама иқтисодий, савдо, инвестиция алоқаларини мустаҳкамлашлари зарурлигини таъкидлайди. «Ўзбекистон иқтисодий алоқаларини кенгайтириш тарафдори» мақоласи муаллифи Ўзбекистон Ҳиндистоннинг ғарб андозаларидан анча арзон компьютер тизимларини ҳарид қилиш ва компьютер технологиялари соҳасида ҳамкорлик қилишда манфаатдорлигини қайд этган.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ҳиндистонга ташрифи ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун жуда муҳимдир», — дейилади «Нэйшнл Хералд» газетасининг 1 май сонида. Газета мамлакатимизнинг мустақиллик йиллар давомида иқтисодий соҳада эришган улкан муваффақиятларини эътироф этган. Мақола муаллифи Ўзбекистон Президенти икки томон ўртасидаги савдо алоқалари яқин келажакда кенгайишига умид билдирганини қайд этади.

«Пайониер» газетаси 3 май сонидаги махсус саҳифани мамлакатимиз раҳбари ташрифини ёритишга бағишлаган. Ушбу саҳифада Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистон саноат конфедерацияси вакиллари билан учрашувига алоҳида урғу берилади. Дарҳақиқат, Ҳиндистон саноат конфедерациясининг республикамиз билан ҳамкорликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасидаги йиллик савдо айирбошлашни 2003 йилга қадар 34,8 миллион АҚШ долларидан 100 миллион долларгача оширишга қаратилмоқда.

Шунингдек, мақолада Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик, импорт ва экспорт тизими, бугунги кундаги савдо-иқтисодий муносабатлар даражаси ҳақида батафсил маълумот берилган.

Ҳиндистоннинг йирик матбуот нашрлари «Эйшн эйж», «Обзервер», «Трайбюн», «Экономик Таймс», «Файненшл экспресс» ва бошқалар ўз мақолаларида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлома ривожланишига хизмат қилажагини яқдил эътироф этганлар. Зотан, ҳинд газеталари таъкидлаганидек, замонамизнинг кўпгина долзарб масалалари бўйича Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг нуқтаи назарлари ва интилишлари муштарақдир.

■ «Жаҳон» АА

БАЙРОҒИМИЗНИ БАЛАНД КЎТАРИБ

Куни кеча каратэчиларимиз чет эл сафаридан ажойиб ғалабалар билан қайтишди. Маълумки, йигитларимиз Венгрия пойтахтида ўтказилган жаҳон кубоги баҳсларида ўзларини кўрсатишган эди. Бу шаҳар каратэчиларимизга яна омад келтирди. Энди улар «Кубок — 2000» халқаро баҳсида иштирок этиб, 7 та олтин 2 та кумуш ва 6 та бронза медалларини қўлга киритишди. Мусобақага эса 15 нафар бўлиб йўл олишган эди. Демак, каратэчиларимизнинг биронтаси ҳам қуруқ қайтмаган. Шунингдек, Толятти шаҳрида ўтказилган МДҲ чемпионатида каратэчиларимиз 15 та медаль тўплашди. Улардан 4 таси олтин бўлса, 5 та кумуш ва 6 та бронза нишонлари эди. Бу ютуқ спортнинг каратэ тури юртимизда оммавийлашиб бораётгани, маҳоратли йигитлар сафи кўпаяётганидан нишонадир.

■ Ҳайдар НОСИРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ФРАНЦИЯ МАТБУОТИ

Франция матбуоти дунёда 22-чи, Европада эса 7-ўринни эгаллайди. Унинг бир йиллик савдо айланмаси 10 миллиард долларни ташкил этади. Энг таъсирли газеталари: «Монд», «Либераьон», «Фигоро» бўлиб, уларнинг адади 5 млн. нусхага етади.

Жаҳонда шундай юксак мавқега эга Франция матбуотининг Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида кўргазмаси очилди. Франция элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Франция матбуоти» номли кўргазмада Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Андре Левен иштирок этди.

Франция нашрларидан намуналар тақдим этилаётган кўргазма 12 майгача давом этади.

■ Муқаддас ОХУНОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 13 мартдаги 87-сон қарорини бажариш юзасидан ва давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси тўғрисидаги Низом;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Режим ва кадрлар бош бошқармаси тўғрисидаги Низом;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси тўғрисидаги Низом;

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органларида хизматни ўташ тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарорига қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Эксперт кенгаши тўғрисида Низомнинг 8-бандидаги «биринчи» сўзи чиқариб ташлансин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССЖ давлат солиқ органлари ҳақида» 1991 йил 12 августдаги 217-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарори 4-бандининг иккинчи хат боши;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1999 йил 14 сентябрдаги 427-сон қарорига илованинг 9-банди.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.С.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 5 май

ЎЗБЕКИСТОН – ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ КЕНГАШ АЪЗОСИ

3 май Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашининг (ИИК) 2000 йилдаги ташкилий мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилиш давомида унинг ижро ҳайъатларига сайловлар ўтказилди.БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий қонунчилик бўйича комиссияси аъзолигига тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг номзоди бир овоздан қўллаб-қувватланиб, 2001-2003 йиллар муддатга Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш аъзоси этиб сайланди.

Комиссиянинг асосий вазифалари БМТга аъзо давлатлар учун бошқарув тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат. Улар жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят қонунчилиги, ривожланиш, БМТнинг жиноятни олдини олиш дастурлари амалга оширилишини назорат қилиш, шунингдек турли тадбирларни мувофиқлаштириш, қонунбузарликка қарши кураш миллий ва минтақавий институтларини такомиллаштириш соҳасидаги масалаларни ўз ичига олади.

Комиссия таркибига курраи заминимизнинг барча қитъаларидан 40 давлат аъзодир.

Ўзбекистон Республикасининг ИИК аъзолигига сайланиши ёш давлатимизнинг жиноят, терроризм ва гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний оборотига қарши кураш соҳасида эришган натижалари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишининг далилидир.

■ «Жаҳон» АА



Баҳор тўлқинлари — Шавкат АКРАМОВ олган сурат

САРҲИСОБ ВА САБОҚЛАР

ёхуд лавлагикорлар ва уни қайта ишловчиларнинг фаолият якунлари хусусида

Ўтган йили Хоразм вилоятида қанд лавлаги етиштириш 1998 йилга нисбатан бирмунча кўпайтирилганлигига қарамай «Хоразмшакар» давлат корхонасида маҳсулот тайёрлаш бўйича шартнома режаси бажарилмай қолди. Вилоят бўйича қайта ишлаш корхонасига шартномада кўзда тутилган 280 минг ўрнига 190 минг тонна хомашё етказиб берилди, холос.

Тармоқ тараққиётига масъулият билан ёндошган айрим жамоаларнинг иш натижалари салмоқли бўлди. Боғот туманидаги «Боғот» ширкат хўжалиги лавлагикорлари ўтган йили ҳам қувончли ютуқларга эришдилар, хомашё тайёрлаш режасини ошиғи билан адо этдилар.

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ, — дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони М. Қувоқов. — Қанд лавлаги етиштириш учун унумдор тупроқли ерлар ажратилганлиги, экиш, вегитация даври ва ҳосилни йиғиштиришда агротехника қоидаларига қатъий амал қилинганлиги хирмонимизга барака киритди. Шу туфайли топшириқда кўзда тутилган 4600 ўрнига 5700 тонна қанд лавлаги сотилди. Режага қўшимча равишда тайёрланган 1100 тонна хомашё эвазига «Хоразмшакар» давлат корхонасидан арзон нархда, яъни қайта ишлаш ҳақинигина тўлаган ҳолда 110 тонна шакар олиб, жамоа аъзоларига тарқатдик.

Қўшкўпир тумани «Тошкент» жамоа хўжалиги ҳудудида иш олиб бораётган «Довуд» фермер хўжалиги ўз тасарруфидаги ҳар гектар майдон ҳисобига 430 центнердан ҳосил йиғиштириб, шартнома режасини қарийб икки ярим ҳиссага бажарди.

Шунингдек, Боғот туманидаги «Ўзбекистон», «Бўрдоқичилик», Гурлан туманидаги «Гулистон», Урганч туманидаги «Урганч», М. Хоразмий номли, Хива туманидаги «Қорақум», Шовот туманидаги «Хоразм», «Соҳибкор», Янгибозор туманидаги «Бўстон», «Боғолон» жамоа ва ширкат хўжаликлари ҳам белгиланган йиллик режани 115-150 фоизга бажариб, мўмай даромад қилдилар.

Шундай бир шароитда Янгиариқ туманида қанд лавлаги тайёрлаш бўйича белгиланган топшириқ биронта ҳам хўжаликда ўз ечимини топмаганлиги аянчли ҳолдир.

Қарс икки қўлдан деганларидек, томонларнинг шартнома асосида фаолият кўрсатиши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шартноманинг узвий занжири бузилган ҳалқада самарадорликка путур етиши табиий. Бу етилган ҳосилни йиғиб олиб топширишга ҳам тааллуқлидир. Гап шундаки, шартнома шартларига мувофиқ деҳқонлар қайта ишлаш корхонасига хомашёни шартномада белгиланган қатъий муддатда ва миқдорда етказиб беришлари керак эди.

Бироқ мавсумда вилоятнинг айрим хўжаликларида бунга риоя қилинмасдан илдизмева ёппасига ковланиб ташланаверди. Оқибатда у 10-15 кунлаб очиқ далада қолиб, ўз сифатини йўқотди. Ҳолбуки, мутахассислар фикри ва тажрибаларнинг кўрсатишича, ковланган илдизмева қирқилиб тозалангач, 4-5 кун очиқ далада қолиб кетса, ўз оғирлигининг 25-30 фоизини йўқотади. Баъзи жойларда шу тахлитда иш тутиш оқибатида ҳосилнинг анча қисми бой берилди.

— Ўтган мавсумда Хоразм вилояти лавлагикорлари биздан 90 минг тонна, Қорақалпоғистон Республикаси деҳқонлари 49 минг тонна маҳсулот қарздор бўлиб қолдилар, — дейди «Хоразмшакар» давлат корхонаси директори Қ. Хўжамуродов. — Шартнома шартларининг бажарилмаганлиги оқибатида корхона бор-йўғи 73 кун фаолият кўрсатди. 20942 тонна шакар ишлаб чиқарилди. Бу мамлакатимиз аҳолиси эҳтиёжининг атиги 8 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, технология талабларига мувофиқ корхона хомашёни қанча кўп ишлатса, маҳсулот таннархи шунча арзонга тушади. Бироқ ҳозирча бунга эришилганни йўқ.

Аммо ўтган икки йил маҳсулот етиштирувчилар учун ҳам, уни қайта ишловчилар учун ҳам тажриба орттириш, камчиликлардан хулосалар чиқариб олиш йиллари бўлди, десак хато бўлмайди. Шу жараёнда ечимини кутаётган қатор муаммолар юзага қалқиб чиқди. Хусусан, қанд лавлаги етиштиришга оммавий суръатда ўтилиши уруғчилик муаммосини зудлик билан ҳал этишни тақозо этмоқда. У ҳамон валюта ҳисобига хориждан сотиб олиняпти. Шу боис у бизга анча қимматга — ҳар килоси 3480 сўмга тушяпти.

— Уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш учун назаримизда Ўзбекистон пахтачилик илмий ишлаб чиқариш институтининг Хоразм филиалида қанд лавлаги селекцияси ва уруғчилиги ишларини олиб боришни йўлга қўйиш, уруғчилик хўжаликларини элита уруғи билан таъминлаш, шунингдек, ҳосилни тозалаш, саралаш учун марказлаштирилган цех қуриш ва уни махсус техника воситалари билан таъминлаш зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган масалалардир, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси лавлаги етиштириш бўйича етакчи мутахассиси М. Азизжонов.

Ҳосил етилгач, илдизмевани ковлаш, барглардан тозалаш, юк машиналарига ортишга оммавий суръатда ўтилиши уруғчилик муаммосини зудлик билан ҳал этишни тақозо этмоқда. У ҳамон валюта ҳисобига хориждан сотиб олиняпти. Шу боис у бизга анча қимматга — ҳар килоси 3480 сўмга тушяпти.

— Уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш учун назаримизда Ўзбекистон пахтачилик илмий ишлаб чиқариш институтининг Хоразм филиалида қанд лавлаги селекцияси ва уруғчилиги ишларини олиб боришни йўлга қўйиш, уруғчилик хўжаликларини элита уруғи билан таъминлаш, шунингдек, ҳосилни тозалаш, саралаш учун марказлаштирилган цех қуриш ва уни махсус техника воситалари билан таъминлаш зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган масалалардир, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси лавлаги етиштириш бўйича етакчи мутахассиси М. Азизжонов.

Ҳосил етилгач, илдизмевани ковлаш, барглардан тозалаш, юк машиналарига ортишга мўлжалланган махсус техниканинг етишмаслиги, бу тадбирлар кўпгина жамоаларда асосан қўлда амалга оширилганлиги натижасида ўтган йили мавсум тадбири муддати чўзилиб, сарф-харажатлар ошиб кетди. Бинобарин, деҳқонларни жаҳон андозаларидаги қанд лавлаги ковлаш-йиғиштириш машиналари билан таъминлаш лозим, айни вақтда бу тадбир маҳсулот етиштирувчиларни қўл меҳнатидан халос этиш, ҳосилни йиғиштириб олишда, меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.

Хуллас, мамлакатимизнинг шакар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тўнғич корхонаси илк қадамларни ташлади. Эндиликдаги вазифа унинг салмоқли, залворли қадам ташлашини таъминлашдан иборатдир.

■ О. РАЖАБОВ, журналист

ШАҲИДЛАР

ТАҚДИРЛАР, КУРАШЛАР,

Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғвор ҳайкал бўлажак!

ИСЛОМ КАРИМОВ

1999 йилнинг 22 июлида «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори эълон қилинди ва унда Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуасини барпо этиш, шунингдек, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тузиш, қатағон этилган фидойи ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, кўп жилдлик «Қатағон қурбонлари» хотира китобини яратиш, шаҳид кетганларнинг ҳаёт йўли, илмий-ижодий меросини кенг жамоатчиликка етказиш каби қатор хайрли вазифалар белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб, бултур октябрь ойида пойтахтнинг Бўзсув мавзесида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этишга киришилди.

Президентимиз ташаббуси билан барпо этилаётган бу ёдгорлик мажмуи, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг энг мўътабар зиёратгоҳларидан бирига айланади.

Шу кунларда мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасига ҳар куни минглаб мактублар келмоқда. Маълумки, қатағон қурбонлари қисмати бирдек фожеали тугаган бўлса-да, уларнинг ҳаёт йўли турлича кечган. Биз бугун жамғармага келган ва турли хил тақдирлар акс этган бир қатор хатларни сиз — азиз газетхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз. Ўйлаймизки, улар бир бутун ҳолида озодлик йўлидаги мислсиз курашлар, қатағон ва унинг инсон қисматига таъсирини маълум маънода ўзида акс эттиради.

ИНСОН ҚИСМАТИ

КУЙГАН КЎНГИЛ ФАРЁДИ

Ўринбой Ашуров 1903 йилда Фарғонада туғилган. Ўрта Осиё колхоз маркази раиси бўлган ва бошқа идораларда раҳбарлик қилган. 1937 йилнинг биринчи октябрида қамоққа олинган. Орадан икки ой ўтгач, «халқ душмани» деган асоссиз айблов билан отиб ташланган.

Қуйида унинг ёстиқдоши Кимёхон аянинг ва тўнғич қизи Розияхоннинг айрим хотиралари билан танишасиз.

1925 йилда бизнинг никоҳ тўйимиз бўлиб ўтган. Хўжайиним билимли, сергайрат ва ҳалол киши эди. Унинг оилага меҳри жуда баланд, болаларини жонидан ортиқ яхши кўрарди. Ўттизинчи йилларда у киши бир қатор юқори лавозимларда хизмат қилган.

1936 йилда Москвага ишга чақиришиб, масъулиятли вазифага тайинлашган.

1937 йил эса яна Ўрта Осиёга ишга жўнатишди.

Шундан кейинги ҳаётимизни мен кўзёшларсиз хотирлай олмайман. Ҳеч ишонгим келмайди-да. Бир кечада хўжайинимни ишдан олиб, «халқ душмани» деган айб билан қамоққа тиқишди. Эртаси куни НКВД ходимлари уйимизга тўсатдан бостириб кириб, ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлашди, китоблар, суратлар борми, кийим-кечак ва бошқа буюмлар борми, ҳаммасини оёқ остига олиб, топтаганча, қайтиб чиқиб кетишди. Уч гўдагим этагимга маҳкам ёпишиб олган, уларнинг юраги сезган эканми, менга қараб: «Уларга айтинг, дадамни олиб келишсин», дея зор-зор йиғлашади. Мен буткул карахт тортиб қолганман, тилим сира калимага келмайди. Йиғлашдан нарига ўтолмайман...

Хўжайинимни олиб кетишгандан сўнг ҳаётимиз чинакам заҳар-заққумга айланди, бошимиз азоб-уқубат, хўрлик ва таҳқирдан чиқмай қолди.

Орадан кўп ўтмай бизнинг кўч-кўронимизни битта аравага ортиб, аллақаёққа кўчириб юборишди. Ўшанда қаёққа кўчиришаётганини айтишгани ҳам йўқ. Уч нафар норасида гўдагимни бағримга босиб, йўлда кетиб борарканман, қайноқ кўзёшларим муздек юзимни ювиб тушади, овозим титраб аравакашдан сўрайман: «Тоғажон, бизни қаёққа олиб кетяпсиз?»

У худди оғзига талқон солиб олгандек, миқ этмайди. Юрагимдаги хавотир, қўрқув баттар ошади, болаларимни бағримга маҳкам босиб олганман.

Узоқ йўл юрдик. Ўша дамда, рости гап, ҳаётдан буткул умидимни узган, бизни ҳам хўжайиним сингари отишга олиб кетишаяпти, деб ўйлаган эдим. Ва, мени отишса ҳам майли, лекин норасида гўдакларимнинг айби нима, уларни ўзинг паноҳингда асрагин, худо, деб бетиним ёлворганман.

Ниҳоят, арава бийдек дала ўртасидаги хароба бир шийпон қаршисида тўхтади. Аравакаш бизнинг кўч-кўронимизни шоша-пиша аравадан туширириб, «хайр-хўш»ни насия қилиб жўнаб қолди.

Шундай абгор бир аҳволга тушиб қолган пайтда мен халқимизнинг, оддий одамларнинг қайноқ меҳрини юрак-юракдан ҳис этганман. Аравакаш бизни бийдек далада қолдириб кетгач, ҳеч кутилмаганда, чор атрофдан одамлар «Ўринбой Ашуровнинг оиласи кўчиб келибди», дея ёғилиб келишган. Уларнинг бири болаларимни юпатган, бири хоналарни тартибга келтирган, бири ўчоқ, бири танча қурган...

Аммо ўша давр менинг, фарзандларим ва қариндошуруғларимнинг юрагида ҳеч ўчмас жароҳатлар қолдирган. Биз ўз бошимиздан кечирган адоқсиз кулфат, таҳқиру хўрликлар, болаларим ота меҳрига қонмай кўнгли ўксик бўлиб ўсганини айтмасам ҳам бўлади, лекин хўжайинимнинг ноҳақ отиб юборишгани, ундан на қабр, на бир ёдгорлик қолганини, инсоннинг сариқ чақачалик қадр-қиммати бўлмагани ҳақида ўйласам, аламдан юрагим куйиб кетади.

Шунинг учун муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан мамлакатимиз пойтахтида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг бунёд этилаётгани, қатағон қурбонларининг хотирасига чексиз иззат-эҳтиром кўрсатилаётгани бизнинг куйган кўнглимизга ҳам малҳам бўлди.

■ **Кимёхон АШУРОВА**

УНУТМАС, СЕНИ БОҒИНГ

ФИТРАТНИНГ ВАСИЯТИ

Қатағон қурбонларидан бири Баҳром Ҳайдарий республика газеталарида, киностудияда, Ўрта Осиё давлат университетида хизмат қилган.

Буюк темурийлар салтанати инқирозидан сўнг узоқ йиллар халқимиз зулмат ичра яшаган. Истибдодга зид ўлароқ йигирманчи йилларда жадидлар ҳаракати кенг қулоч отди. Улар халқимизни ғафлат уйқусидан уйғотишга, озодлик учун курашишга ундади. Шулардан бири, ҳеч шубҳасиз, улуғ маърифатпарвар Абдурауф Фитратдир.

Баҳром Ҳайдарий Фитрат домла билан ҳаммаслак биродар эди. Ўттиз еттинчи йилнинг декабрида қатағон заҳрини сезган, шекилли, Фитрат домла Баҳром Ҳайдарийнинг Себзордаги уйига келиб, бироз суҳбатлашгач, хайрлашиб кетади. Эртасига уни ҳибсга олишади. Орадан бир ҳафта ўтгач, кечки пайт Баҳром Ҳайдарийнинг ёстиқдоши — Муаззам опам уввос тортиб йиғлаганча уйимизга кириб келди. У, ўшанда Фитрат домла НКВДдан хат олгач, Баҳром Ҳайдарийга, сен ҳам ҳушёр бўл, деб келганини, бугун эса поччамизни ҳам олиб кетишганини айтди. Мен уни юпатишдан нарига ўта олмадим. Чунки ўша даврда биров бировни ҳимоя қилиши у ёқда турсин, ҳатто ўзимизни ҳам бугун-эрта олиб кетса керак, деган хавотир билан яшардик.

Баҳром Ҳайдарий бир йўлини қилиб опамизга хат чиқарган. Унда Фитрат домла билан бир камерада эканлиги айтилган. Шунингдек, Фитрат домла унга бир маслаҳат берибди, Муаззамхон ўғил кўрса, исмини Нажот, қиз кўрса, Умида қўйсинлар, зора, умидлик дунёда сиз билан бизга ҳам нажоту озодлик етса, дебди.

Опамиз ўттиз саккизинчи йили ўғил кўрди. Унинг исмини домланинг васиятига кўра Нажот қўйди. Вақти-соати билан Нажот ўзининг қизига Умида деб исм берди.

Фитрат домла армон қилган Нажотга ҳам, Умидага ҳам юртимиз озодлигини кўриш насиб этди, улар озодлик йўлида фидо бўлган шаҳидлар хотирасига улуғ эҳтиром кўрсатилаётганига ҳам гувоҳ бўлиб туришибди.

Юрт озодлиги йўлида ҳаётнинг юзини кўрмай ўтиб кетган миллий сиймолар руҳини шод этиб, армону ҳаваларини рўёбга чиқараётган Юртбошимизга бош эгиб ташаккур айтамиз.

■ **Аъзам САМИҒЖОНОВ, профессор**

ШУКРОНА

ҲАЖГА БОРАМАН ДЕБ...

Отам — Собиржон Саминов миришкор деҳқон бўлган. Лекин оддий меҳнаткашнинг ҳаётини қатағон ҳамласи остин-устун қилиб ташлаган.

Бунга сабаб шуки, у йигирманчи йилларда ҳаж зиёратини ният қилиб, йўлга чиққан. Лекин уни чегарадан ўтказишмаган. Ўттиз еттинчи йилга келиб ана шу воқеани рўкач қилиб, ҳибсга олишган ва «халқ душмани» деб айблашган, қатағон қилишган. Биз — тўрт гўдак онамнинг қўлида чирқираб қолганмиз. Ўша мустабид давридаги очарчилик туфайли икки укам нобуд бўлиб кетди...

Қаранг, бугун минглаб ҳамюртларимиз эмин-эркин ҳаж зиёратига бориб келишмоқда. Давлатимиз уларга барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Бу нимадан далолат беради?

Мана шундай дориломон кунларга етказганига шукр!

Мустақилликка чиққач, юртимизда жуда кўп хайрли ишлар қилинмоқда, буларнинг барчаси ҳаётимизга қут-барака, файзу тароват бағишлаб, келажакка бўлган ишончимизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

■ **Нўъмонжон СОБИРОВ, фахрий, Тошлоқ туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалиги.**

АРМОН

ЮЛДУЗЛАР ЎЧГАН ЙИЛЛАР

Ўттиз еттинчи йилнинг биринчи октябри ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак. Ўшанда мен биринчи синфда ўқир эдим. Ўша куни отам ишга кетаётиб, ҳар биримиз билан бир-бир хайрлашди. Машинага чиқишдан аввал менга узоқ тикилиб қолганлари ёдимда. Кўнгли сезган экан-да. Шу куни қўққисдан уни ҳибсга олишган, кўп ўтмай «халқ душмани» сифатида отиб ташлашган.

Эсимни танигач, бу кулфат қаёқдан бошимизга тушгани ҳақида кўп ўйлаганман. Кейин билсам, Ўрта Осиёдан ўн саккиз раҳбар марказга ариза йўллаб, юртимизда уларнинг тавсиясини кўр-кўрона тадбиқ этишга қарши чиқишган экан. Бу ўтмиш тарихда «Ўн саккизлар гуруҳи» деган айблов билан қораланган. Ва бунга имзо қўйганлар шафқатсиз жазоланган...

Отам ҳаётлик пайти бир куни мени эркалаб: «Қизим, катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан?», деб сўрагани ёдимда. Ўшанда мен: « Меъмор бўламан, сизларга чиройли уй қуриб бераман», деган эдим. Афсуски, бу ниятларимиз армонлигича қолиб кетди. Отамизга уй қуриб бериш тугул, унинг қабрига гул қўйиш, зиёрат қилиш ҳам насиб этмади бизга. Олтмиш уч йил ўтибдики, ҳамон кўзимизда ёш қуригани йўқ.

Бугун қатағон қурбонлари хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилаётган экан, бу шаҳид кетганларнинг руҳини шод этиш билан бирга уларнинг ортида қолган, мустабид тузумнинг аччиқ ситамларини бошидан кечирган биз каби жабрдийдалар кўнглини ҳам тоғдек юксалтиради, умрига умр қўшади.

Мана шундай савоб ишларнинг бошида турган Президентимиз Ислом Каримовга, сиз уйи куйган одамларни шунча сийлаяпсизми, Сизни Яратганнинг ўзи сийласин, дегим келади.

■ **Розияхон ҚОСИМОВА**

ЁДНОМА

ДУНЁДА АДОЛАТ БОР ЭКАН!..

Абдулла Қодирийнинг «халқ душмани» сифатида олинган сўнгги суратлари ёдингиздадир. Фитратнинг қизи ёзган оғриқли хотиралар, Чўлпоннинг аянчли қисмати, Усмон Носир қамалганда онаси Холамбиби ая чеккан фарёдларни сира унутиш мумкинми?!.

Ўғлининг бошига тушган кўргуликларга тоқат қила олмаган Холамбиби ая: — **Нега ўқидинг, болам? Чўпонми, ишчими бўлганингда сени қамашмасмиди,** — деб нола қилган. Ўғлининг доғу ҳасратида оламдан ўтган муштипар она: — **Қабрда юзимни ерга қаратиб қўйинглар, Усмонимнинг дардида қон ютавериб, ичим қонга тўлиб кетган. Шу қонлар оғзимдан чиқиб кетсин!** — дея васият қилган.

Одам боласи тоқат қилиши қийин бўлган бундай кулфатларни истибдод қурбони бўлган ҳар бир инсоннинг ортида қолган ота-онаси, аҳли аёли ва фарзандлари ўз бошидан кечиришган.

Менинг бобом Мирзааҳмад Султонов ҳам замонасининг маърифатли кишиларидан бўлиб, туман газетасига муҳаррирлик қилган. Ўттиз еттинчи йили ҳибсга олиниб, 15 ноябрда «халқ душмани» сифатида отиб ташланган. Бувимиз Тиллахон ая ҳам худди Усмон Носирнинг онасидек куйиб, икки қўли тепасида бўлиб, бу дунёдан ўтиб кетдилар.

Лекин биз жуда кеч бўлса-да, адолат юзага чиққанига, Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотирасига муносиб ҳурмат кўрсатилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Юрагимиздаги аччиқ аламлар ўрнини бугун озодлигимизга меҳр илитиб турибди.

Президентимизнинг Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотирасини эъзозлаш борасида қилаётган мўътабар ишлари ҳар биримизнинг кўкрагимизни кўтариб, савоб ва эзгу ишларга ундаб турибди. Зеро, бу улуғвор ишлар миллатимиз табиатидаги олижаноб фазилатларни эъзозлаб қолмай, шаҳидлар ортида қолганларнинг умрини зиёда этмоқда.

Шу билан бирга севимли шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, охирги дамда тупроғинг устига бирор инсон келиб сени ёд этса, шунинг ўзи катта бир бахт экан. Она-Ватан ва она халқ учун арзирли бир иш қилган инсонгина шундай саодатга мушарраф бўлади.

■ **Абдуғаффор ҚОСИМОВ, Балиқчи туманидаги 50-мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчиси.**

ЎТГАНЛАР ЁДИ

ИСТИБДОД ХУРУЖИ

Мамлакатимизда мустабид тузум давридаги қатағон ҳамласи четлаб ўтган ёки унинг адоқсиз кулфатларини бошидан кечирмаган оилалар кам топилади.

Тоғам Абдуваҳоб Муродийнинг оиласи ҳам шундай оилалар сирасига киради. Улардан на ном, на нишон қолди.

Тоғам замонасининг маърифатли кишиларидан бўлган, йигирманчи йилларда Германияда қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича таҳсил олган. Тақдир экан-да, ўша ерда Марта исмли немис қизига кўнгил қўйиб, уйланган. Ўқишни тугатгач, оиласи билан юртимизга қайтган.

Марта кеннойим йигирманчи йиллардаги бизнинг маҳаллий шароитимизга кўникиб яшаган, маҳалладаги аёллар билан жуда тез эл бўлиб кетган. Ўзбек тилини қунт билан ўрганган ва шундай дона-дона қилиб гапирар эканки, унга ҳамманинг ҳаваси келган. У туғуруқхонада ҳамшира бўлиб ишлаган. Лекин бу оиланинг масъуд ҳаёти узоққа чўзилмаган.

1930 йилда тоғам Абдуваҳоб Муродийни қўққисдан ҳибсга олишган, бунга унинг чет элда ўқигани важ қилиб кўрсатилган.

Марта кеннойим бу адолатсизликка чидаёлмай, ҳақиқат юзага чиқиб қолар, деган илинжда ҳар кун қамоқхонага қатнаган. Лекин қамоқхонадагилар келадиган бўлсанг, эрингнинг куни бошингга тушади, дейишгач, ноилож аламини ичига ютган.

Онамнинг айтишига қараганда, бошига тушган кулфат унга жуда ёмон таъсир қилган. «Ҳамиша юзидан кулгу аримайдиган кеннойинг бевақт узилган гулдек бирпасда сўлиб-сарғайиб қолди», деб эслайди онам. «Ҳаётдан совуб кетди, ҳеч ким билан гаплашмай қўйди...»

Тақдирнинг истеҳзосини қарангки, унинг бу кўрганлари ҳали оз экан. Ўттиз тўққизинчи йилда уни қизи билан бирга ҳибсга олишган.

Шундан сўнг биз на Абдуваҳоб тоғам, на Марта кеннойим ва на уларнинг қизи ҳақида бирон-бир хабар эшитмадик.

Уларни сўраб-суриштиришга журъат этмадик. Ҳатто тоғамнинг ҳувиллаб қолган ҳовлисига ҳам одамлар чўчиб қарашгани, иложи бўлса, уни четлаб ўтишга ҳаракат қилишгани ёдимда.

Олтмишинчи йилларда қамоқдан чиққан бир киши ўттиз тўққизинчи йилда отилганлардан бири умрининг сўнгги дақиқасигача ёлвориб қизини сўрагани, қизининг исми Путти эканлигини айтиб берди.

Менингча, бу тоғам Абдуваҳоб Муродий бўлган. Чунки у қизига немисча Путти деб исм берган, маҳалладагилар уни Фотима деб аташар эди.

Лекин Марта кеннойим ва Фотималарнинг тақдири қандай кечгани ҳали-ҳунузгача номаълум.

Машъум қатағон йилларида тақдири шундай фожеали кечган, кун кўрмай дунёдан ўтган оилалар жуда кўп.

Бугун тарихий адолат қайта тикланаётган, қатағон йилларида шаҳид кетганларнинг хотирасига чексиз иззат-эҳтиром кўрсатилаётган экан, бу ҳимматда ноҳақ зулм кўрган, умри куйиб кетган инсонлар хотирасига буюк бир эҳтиромни кўраман. Инсон зотининг энг буюк хислатларидан бири шундай олижаноб ишларда намоён бўлади.

■ **Эркин УСМОНОВ, Чилонзор тумани.**

ЯША ВА ЁДИНГДА ТУТ

ХОТИРАСИ

КУЛФАТЛАР

ОҚИБАТ

ЧЎЛПОННИНГ СЎНГГИ ШЕЪРИ

Ёзувчи Фози Юнус ҳам Ватан озодлиги йўлида фидо бўлганлар сафидадир. Қатағон кулфати унинг оиласини ҳам четлаб ўтмаган. Ёстиқдоши Хадича ая, кейинчалик ўғли Тўлқин Фозиев ҳам қамоқ ва сургун азобларини бошидан кечиришган.

Қуйида биз Хадича ая хотираларидан бир парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— 1937 йилнинг 20 октябрь куни эрталаб соат саккизларда эшигимизни кимдир таҳдид билан тақиллатди. Ҳали очишга улгурмай туриб, 9-10 нафар ички ишлар ходими, оддийгина кийинган яна 2-3 киши ёпирилиб ичкарига киришди ва эшикни зичлаб ёпишди. Улардан бири дағдаға билан:

— Уйда сиздан бошқа яна ким бор? — деб сўради.

— Болаларим, — дедим мен.

— Қани улар?

— Чой ичишяпти.

— Қаерда?

— Ошхонада.

— Кўрсатинг!

Мен уларни болалар овқатланаётган хонага бошлаб кирдим. Қизларим салом беришди. Аммо уларнинг саломи аликсиз қолди.

— Гап бундай: сизлар қамоққа олиндингизлар, — деди ҳалиги саволга тутган киши. — Кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ олишларингиз мумкин, лекин овқат олишга ижозат йўқ.

Биз ул-бул олган бўлдик.

Мени турмада қолдиришди. Қизларимни эса чиқ-ираганча бошқа жойга олиб кетишди. Камерага кирсам, бир тўда аёл, бир-бирининг пинжига тиқилиб, жовдираб қараб туришибди. Кўзим қоронғиликка кўниккач, танидим. Собира Холдорова, Файзулла Хўжаевнинг оиласи, хуллас, ким қамалган бўлса, аёллари шу ерга тиқилган экан. Чўлпон аканинг аёли югуриб келиб, мени қучоқлаб олди.

Бир куни овқат олиб келувчи туйнукчадан мўралаб туриб: — Хадича опа ким? — деб сўради. Аёллар менга ишора қилишди. Овқат олиш навбати менга етиб келганда ҳалиги киши буклланган бир қоғозни яширинча қўлимга тутқазди. Собира Холдорова дарров уни қўлимдан олди, ўқишга тутинди. Бу — Чўлпон аканинг менга ва мен билан бирга қамоқда ўтирган жабрдийда аёлларга бағишлаб ёзган шеъри экан.

Чўлпон ака ўзининг аёли ҳам биз билан бирга эканлигини билмас эди. Аммо шеърда биз замонанинг қаҳрамонлари сифатида улуғланган, шаънимизга кўп таъсирли самимий мақтовлар айтилган эди. Чўлпон ака қамоқда ўтириб ҳам ўзидан кўра кўпроқ бизни ўйлаган, бу азоб-уқубатларни енгиб ўтишда мадад бўлсин, шуларнинг руҳини кўтарай, деган ниятда шу шеърни ёзиб кириттган, шекилли.

Ҳақиқатан ҳам, тенгсиз уқубатларни бошимиздан кечираётган, дунё кўзимизга қоронғу бўлиб кўринган пайтларда бу шеър кўнглимизни кўтарган, тутқунлик азобини енгиб ўтишда далда бўлган...

Мана шундан бери ҳам орадан қанча сувлар оқиб ўтди, ёшим юздан ошди, аммо ўша кунларни эсласам, ҳали ҳам кўзим ёшланади...

ТИЛСИМЛАР, ҲАҚИҚАТЛАР

БЎЗСУВ СОҲИЛИДАГИ ҚАТЛГОҲ

— 1998 йилнинг кузида уч юздан ортиқ киши имзо чеккан бир мактуб келди. Унда вилоятнинг Салор қўрғони ҳудудидан одам суяклари топилгани ҳақида гап борарди.

«Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими қошидаги экспедиция шу хат асосида Бўзсув ва Салор канали оралиғини ўргана бошлади, чиндан ҳам бу ҳудудда беҳисоб одам суяклари сочилиб ётган экан, — деб ҳикоя қилади жамғарманинг вилоят бўлими бошлиғи Зарифа Эшмирзаева. — 1999 йилнинг апрелидан ноябргача талай ишлар қилинди, бир ўриндан 62 кишининг тана суяклари чиқди. Ҳатто айрим таналар бўлак-бўлак бўлиб кетган эди. Топилган тиканли симлар ҳам бу жой алоҳида ўралгани ва қўриқланганидан далолат берарди.

Отилганлардан бири, ҳарбий бўлса керак, гимнастёркасининг кўкрак томони сақланган, унинг бир неча жойи чўғ тушиб куйдирган каби тешилган, афтидан, бу ўқ изи эди.

Суякларнинг қалашиб ётиши шундан далолат берадики, ўликлар саржиндек тўрт қават қилиб қўйилган, ҳар қатлам орасида бир қарич атрофида тупроқ мавжуд.

Кимдир ерга қараб, оғзи тупроққа тўлиб, кимдир осмонга қараб жон берган.

Экспедиция аъзолари суякларни йиғиштириб, бир жойга кўмиш учун жой тайёрлаётганда у ердан ҳам тана суяклари чиққан. Унинг оёқ қисмида шинел қолдиқлари бор экан.

Топилган қошиқ ва бошқа буюмлар эса одамлар сўнгги соатини билишмаганидан, кимдир хизматдан, кимдир уйидан олиб кетилганидан далолат беради.

1999 йилнинг июнь ойида экспедиция аъзолари ишлаётган жойга бир одам келади. У: **«Ўттизинчи-қирқинчи йилларда мана шу жарликда уч минг одам отилган. Суриштирсанглар, билганлар айтиб беради»,** дейди сирли оҳангда, лекин ўзини танитишни истамайди. Бусиз ҳам Бўзсувнинг соҳиллари одамнинг тушига кирадиган даражада қўрқинчли эди. Ҳар қадамда суяклар... Уларни сув оқизиб кетаётганини ҳам кўриш мумкин эди.

— Отамнинг жасади кўмилган жойни аниқлаш, қабрини тиклаш борасида мўътабар идораларга, билимдонларга кўп мурожаат қилдим, — деган эди 1989 йили улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулла Қодирий. — Афсуски, улар бу ҳақда ҳеч нарса дея олмадилар. «Отангизнинг отилганига қарийб эллик йил бўлибди, ҳукм қаерда ижро этилган, қаерга кўмилган, бу тўғрида на «дело»да ва на бошқа жойда бирор из қолмаган, биладиганлар эса ўлиб кетишган», дейишди. Ким билсин, балки шундайдир, балки бу иш атайлаб шундай қилингандир?..

Тоғаларимнинг иккита боғи бўлиб, бири Шиблидан сал нарида — Лайлакобод маҳалласида эди, — деган у ҳикоясини давом эттириб. — Олой бозори томондан борганда, Шибли гузарида йўл уч тарафга бўлинар, бири сўлга — Минор мачити (Ғалаба хиёбони, Семашко касалхонаси) томонга, иккинчиси ўнгга — Ялангоч, учинчиси тўғрига — Чимкентга олиб чиқар эди. Асомиддин тоғам мана шу йўлда мени эргаштириб айланишни одат қилган эди. Йўл шундай эдики, кўп юрмай олдингиздан қизил бўёқли катта темир -бетон кўприк чиқар эди. Негадир халқ бу кўприкни «Алвастикўприк» деб атар, кўприк тагидан поезд ўтар, устидан эса от-аравалар қатнарди. Тоғамдан: «Нега «Алвастикўприк» дейдилар?», деб сўраганимда, «Бунда жину ажина кўп бўлади. Ҳов анави тепаликда алвасти сочини ёйиб ўтирар эмиш, у ёққа яқин йўлаб бўлмайди», деган, мени қўрқитган. Дарҳақиқат, тоғам айтганларидек, кўприкдан ўтгач, йўлнинг сўл томони ҳайҳотдай бўлиб ётар, ўпирилган, чўккан, яна тепа ва унинг орқа томонида жаҳаннамдек жарлик, бу атрофда ҳеч ким яшамас эди. Билмадим, бу гиёҳсиз, хунук, файзсиз, қўрқинчли жойлар қандай пайдо бўлган. Бир вақт тоғам худди мана шу жойни кўрсатиб сирли овозда: «Одамларни мана шу тепаликка олиб чиқиб отишади, ўлик орқадаги жарга қулаб тушади», деган, шунда мени титроқ босган.

Айтишларича, 1937-1938 қатағон йилларида отишга ҳукм қилинганлар шу ерда отилган. Кейин тепалик текисланиб, жарликлар ахлат билан тўлдирилган. Кўмилган сирлар унут бўлиб кетган. Фақат кўнгли ярим одамлар дилида оғриқли хотира сақланиб қолган, холос.

Бўзсувга туташ маҳаллада яшовчи оқсоқол Абдужаббор Илёсовнинг болалиги ҳам шу ерда ўтган. У ҳам тепа, «Алвастикўприк» ва унинг ортидаги қўрқинчли жарликлар ҳақида ҳикоя қилади. Ўттизинчи йилларда кечаси юракка ваҳм солиб, шу томондан ўқ товушлари эшитиларди, — дейди. — Ўтган йили ёзда Юртбошимиз ўзлари келиб, мана шу жойларни кўрдилар, тепаликда туриб, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи қандай бўлишини, қаерда хиёбон, қаерда кўприк, қаерда ёдгорлик барпо этилишини бир-бир кўрсатиб бердилар, — дейди у. — Мана, бугун қарғиш теккандек бўлиб ётган жойлар Президентимизнинг ҳиммати, элим, юртим, деб қурбон бўлган шаҳидларнинг ҳаққи-ҳурмати обод зиёратгоҳга айланди.

— Бу зиёратгоҳ ҳақида эшитиб, бориб, ўз кўзим билан кўрай, деб кампиримни олиб келавердим, — дейди самарқандлик бир юз бир ёшли Ғани бобо Сойипов. — Тошкентни айланиб, амалга оширилаётган ишларни кўриб, Хотира майдони, шаҳидлар зиёратгоҳида бўлиб, Президентимиз ҳаққига кўп-кўп дуо қилдим. Биз ўша йилларни кўрганмиз, замона халқнинг бошига қандай кулфатларни солганига гувоҳмиз. У кўп оилаларнинг ёстиғини қуритди. Эсимда, ўттиз тўртинчи йилнинг қиши эрта келди, пахтани совуқ уриб кетди. Мана шу касофатнинг орқасидан «пахтани атай совуққа олдирган» деган айблов билан Пахтачи туманилик ўн етти ҳамқишлоғимнинг қўлига кишан солиб, олиб кетишган. Уларнинг орқасида аёлларию болалари қон қақшаб қолаверган. Қайтиб келмаган улар, тақдири қандай кечган, бизга қоронғи эди. Мана, бугун Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийдек юзлаб элпарварлар қатори шуларнинг хотирасига ҳам ҳурмат кўрсатиляпти. Айтишди, ўша йигитлар ҳам яширинча отиб ташлашган экан. Улардан на қабр, на бир ёдгорлик қолган. Болалари отамизнинг қабрини зиёрат қиламиз, десаю, изини топа олмаса, дунёда бундан оғир савдо бўладими?!.

Бундайлар кўп...

Зиёратгоҳни айланиб юриб, шулар ҳақида ўйладим. Худо йўлига, ўтган шаҳидлар хотираси ҳурматига улуғ иш қилинганига иймон келтирдим. Бунинг савобига нима етсин!

ЎТЛИ БИТИКЛАР

СЕНДАН АЙРИЛМОҚ — МЕНИНГ ЎЛИМИМ, СЕНИНГ УЧУН ЎЛМОҚ — МЕНИНГ ТИРИКЛИГИМДУР!

Жадидчилик ҳаракати намояндалари ижодий мероси, ҳеч шубҳасиз, миллий адабиётимизнинг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Ватанга юксак муҳаббат, уни озод кўриш истаги, бу йўлда тенгсиз фидойилик кўрсатиш улар ижодида ўзининг теран ифодасини топган.

Зеро, бу мерос уларнинг ҳуррият йўлидаги бевосита амалий ишлари, бетиним интилишлари натижасида дунёга келган. Шунинг учун унинг ҳар бир сатридан Озодлик нафаси, миллат бахт-саодати йўлида ёниб яшаш иштиёқи ўт таратиб туради.

Шу жиҳати билан бу қимматли мерос келажак авлодларга Ватан озодлиги қўп-кўп қурбонлар, йўқотишлар эвазига қўлга киритилгани ҳақида тасаввур бериб қолмай, ибрат вазифасини ҳам ўтайди.

Биз қуйида шу ижодий меросдан айрим намуналарни сиз — азиз ўқувчилар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

«ҲАҚ ОЛИНУР, БЕРИЛМАЙДУР»

Билмоқ керакки, ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, диния ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади...

Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бизни бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ.

***

Бизнинг ўлимимиз учун энг яхши қасос... мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек, маориф ва халқ бахт-саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади...

Мунаввар қори АБДУРАШИДХОН ўғли

«МАСЪУМ ҚОНЛАРИ ИЛА ЕР ЮЗИНИ ЛОЛАЗОР ЭТДИЛАР...»

Бутун дунёда ҳуррият чилар орасида бир сўз бор, «Ҳуррият берилмас, олинур». Ҳеч нарса ила олиб бўлмас, фақат қон ва қурбон илагина олиб бўлур. Мана бу жумлалар ҳақиқатга шул қадар мувофиқдирки, ҳазрати Одамдан шул вақтгача ҳеч бир давлат ва мамлакатда Ҳуррият нинг берилгани тарихларда кўрилмайдур. Балки ҳар замон ва ерда Ҳуррият беқон ва қурбонлар рилмаган, ҳам кўп баробариндагина олинган...

Ҳуррият учун курашган минглар ча олимларнинг баданлари турма ва зиндонларда қуриди. Минглар ча файласуфлар қўл ва оёқлари боғ ланган ҳолда Сибирия саҳроларда умр ўтказдилар. Мингларча доҳийлар азиз Ватанларидан айрилиб, чет мамлакатларда қочиб юрмакка мажбур бўлдилар. Мингларча қаҳрамонлар кўкракларин ўққа, бўйинларин дор орқонларина қурбон этдилар. Мингларча гуноҳсиз мазлум ва мазлумалар ўзларининг масъум қонлари ила ер юзини лолазор этдилар...

«АЙТ ЁВИНГГА СЎНГ СЎЗИНГНИ!»

Жаннат каби гўзал юртинг йиғлаб сендан иш кутадир,
Сени кўргач, ишсизликда — ҳасрат чекиб қон ютадир.
Тур ўрнингдан, оч кўзингни,
Айт ёвингга сўнг сўзингни!

Абдурауф ФИТРАТ

«СЕН МЕНИНГ ВАТАНИМСАН!..»

Ётсам тушимда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсам миямда, кўз очсам қаршимда мунгли бир хаёл келиб турадур! Бу бир хотун хаёли... Бир хотунки, эгнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир кўйлакдан бошқа бир кийими йўқ. Бош-оёқлари ялангоч, тирсакларигача қоп-қора лойқадан ботган, бақирурға товуши, қутилувға кучи қолмаган!..

Қарайман: кимсасизлик юкиндан ориғланган танада золимона урулғон қамчиларнинг яраси бор. Кўраман: жоҳилона қилинган эмлардан носулға қайтган яраларидан қонлар оқиб турадур!

Эй мунгли хотун, сен кимсан? Эй ғамли она, нечук мунгдан айрилмайсан? Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечук кетмайсан? Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолган кўзларинг ёш ёмғурлари нечун тўкадур? Зулм занжирлари билан боғланган қўлларинг нечун ҳар ёнға узатиладур, нима тилайсан? Оҳ... Билдим... Билдим... Англадим! Сен менинг Ватанимсан, Ватанимнинг мунгли хаёлисан. Эй муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма. Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, вижданимда қол, кетма. Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ — менинг ўлимим, Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдур.

Паноҳим, саждагоҳим, умидим! Ётларинг сени шу кунгами солдилар! Тилагим, истагим, саодатим! Болаларинг сени шу ҳолдами қўйдилар! Суюнчим, овунчим, ўчоғим! Золимлар сени кимсасизми кўрдилар!

Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен, борлиғим билан сенга кўмак қилурға ҳозир. Мана мен, чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурға рози. Қоф тоғлари йўлимда тушса, тамуғ оловлари қаршимда чиқса, яна сен сари кетарман.

Устимга инсонлар эмас, шайтонлар қўшини келса, оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса, яна сен сари чопарман. Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса, яна сени қутқарарман.

Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўларман...

Абдулҳамид Сулаймон ўғли ЧЎЛПОН

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ХОТИРАСИ

Белгисиз қабрингни қора тунларда
Амалимнинг шамъин ёқиб изладим
Қизил ва пок қонинг исларин сочгач,
Кучсиз кўйи юришимни тезладим.

Амалимнинг юлдузиким, кўз тикди
Қора, жирканч ўлим кони ерларга.
Савол бердим: «Йўқотганим қайда?» деб
Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган эрларга.

Қўлингдаги тутам-тутам гулини
Қабринг топиб сочмоқ учун тиришди;
Гул ўрнига заҳар тилар муҳитда
Унинг қилган бу ишлари бўш ишди.

Мен-да ожиз у муҳитнинг олдида
Қабринг топиб кўз ёшимни тўкмакка
Ҳамда аччиқ ҳиддатим-ла ул ерда
Оқ каллалик — қора девни сўкмакка.

Шунинг учун юлдуз каби ярқираб
Элда қолган исминг билан турамен.
Шул исмни эслаб, чизган йўлингдан
Йироқ кетмай, қимирламай юрамен.

Азиз отам, қўлимдаги гулларнинг
Мотам гули эканини билмайсан,
Шодлик гули кўпдан бери сўлганин
Ер остида, пок руҳинг-ла сезмайсан.

Ана сочдим қалбимдаги гулларни,
Термак учун чақираман қулларни...

ЭЛБЕК

«МАЗЛУМЛАР УСТИДА ҲИЛПИРАБ ТУРГАН...»

Балодан қутулмоқ, соғлом яшамоқ
Истаган бундайин ётиб йиғламас.
Золимлар элидан ёхуд мозордан
Ўзига ҳеч вақт кўмак истамас.
Чиндакам яшамоқ ўнғай йўл —
Бўлса ҳам биргина, бизга мана шул:
Мазлумлар устида ҳилпираб турган
Қуёш каби теграсига нур сочган
Миллий байроқ атрофига тўпланмоқ,
Зулм элин йиқиб, ундан ўч олмоқ.

1920 йил

Қўш саҳифани Ғаффор ҲОТАМОВ ва Шодиқул ҲАМРОЕВлар тайёрлашди.

ШАҲИДЛАР РУҲИГА ЭҲТИРОМ



«АТМАСА» ВА «YASEMIN»

қўшма корхоналари жамоалари

Абдулла Қодирий: **«Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик дейдилар. Шунга кўра мавзуни мозийдан, яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги... замонлардан белгиладим».**

Мустақил Ўзбекистон Республикасида «мозийга қайтиб» ана шундай хайрли ишлар қилинмоқда.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИДА муаззам Тошкентнинг янги бунёд этилган улкан салобатли «Шаҳидлар хотираси» хиёбонига дуолар айтиб борамиз. Бу ерда номлари абадиятга муҳрланган Ўзбекистон фарзандларининг матонатию жасорати, шону шавкати олдида бош эгиб, уларга Оллоҳдан раҳматлар ёғилишини сўраймиз.

Бу муқаддас қадамжо бир йиллик эмас. Бу маъво фақат бизнинггина эмас, келажак авлодлар — келар наслларда аждодлар хотираларини бажо айлаш фазилатини тарбиялаяжак, қалбларига мангу инсоний буюк туйғулар бахш этажак.

Киндик қони тўкилган она-Ватани учун МУСТАҚИЛЛИК, ЭРКИНЛИК, ҲУРРИЯТ дея бутун қалбини, вужудини бахш этган *Абдулла Қодирий, Мунаввар Қори, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Беҳбудий, Отажон Ҳошим, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов* сингари улуғ зотларнинг руҳи поклари ҳаки бу қадамжода Қуръон оятларидан тиловатлар қиламиз.

Уларнинг орзулари бугунги кунда тўлиқ маънода тантана қилаётганлигини эътироф этиб, бош эгамиз, сукут сақлаймиз.

Муҳаммад ДОВУД ОДИЛХОН,
НАСРУЛЛОҲ ТЎРА
қўшма корхоналар бош раҳбарлари

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Равшан Шодиев

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини қўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 22.00
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА